Муносабат

# ХАЛҚ — ПРЕЗИДЕНТ ЯКДИЛЛИГИ

*«Халқ сўзи», 27 февраль. «Февраль воқеалари»*

Мамлакатимизда Мустақиллик одимлари ва халқнинг жипслигию, Президент атрофига бирлашиб жаҳон ҳамжамияти сари дадил бораётганимизни барча кўриб турибди. Февраль воқеалари билан бунга рахна солмоқчи бўлишди. Мен бу мудҳиш кун узоқлашиб, хиралашган сайин қора унсурлар — диний экстремизмнинг ва аламзадаларнинг бир кўриниши деган хулосага келдим. Ваҳоланки, диний таълимотда бунёдкорга, яратувчига, дунё ривожига муносиб ҳисса қўшаётган — улуғ инсонларга қарши бориш ман этилган. Билъакс, қўллаб-қувватлаш қайд этилади!

Жаҳондаги ривожланаётган мамлакатларда бугунги мустақил Ўзбекистонимиз ва унинг доно раҳбари, юртимизнинг ўз йўли — ўзига хос ва мос эканлиги эътироф этилмоқда. Халқимиз қўллаб-қувватлаётган, ўзининг бош бунёдкори деб тан олган Йўлбошчисини кўз қорачиғидай эъзозлайди, паноҳида асрайди.

Иродаси бақувват, мақсади аниқ, жаҳон тан олган ўзбек миллатини, бирлашган ўзбекистонликларни ҳозир тараққиёт пиллапояларида кўраяпмиз. Буни мамлакатимизнинг 1998 йилги якуний йиғилишидаги Ислом Каримов маърузасидан тўлиқ англаб турибмиз. «Биз бугунги кунда ўзимизни барча энергетика ресурслари билан тўла таъминлашга эришдик, — деди Президент. — 1998 йилда 3,5 млн. тонна ёки 1997 йилдагидан 15,4 фоиз кўп буғдой ҳосили олинди. Бу нафақат республика аҳолисини ун ва нон билан узлуксиз таъминлаш, балки жорий йилда ғалла муаммосини мутлақо янгича ҳал этиш имконини беради... Энди биз халқимизни дунёда рўй берадиган ҳар қандай инқироз ва фалокатлардан ишончли ҳимоя қила оламиз». Бундай дадил ва асосли гаплар ўша куни — 16 февралда айтилди.

Жаҳонга дадил ва ишонч билан назар ташлаётган, Ислом Каримовнинг беш тамойили асосида ўзига хос ва мос моделга эга бўлган Ўзбекистонимиз халқигина Президентга ваколат, кафолат бера олади ва у томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланади ҳам. Қарс икки қўлдан, деганни бежиз эмас. Бундай жипслик ва бирликни ватангадолар биладими? Тарихни қайтариб бўлмайди. Ўзбекистондек истиқболли давлатга тўғаноқ бўлиш — ўтмишни орзу қилиш — яна бир калтабинлик, келажакни кўра олмаслик. Сўнгги кунлар халқимиз миллий онгида катта ўзгариш ясади, энг муҳими — халқ — Президент якдиллиги намоён бўлди.

Бегуноҳ одамларнинг бирор куч орқали ўлдирилиши Ислом динида қораланган, дўзахий ҳисобланган. Одам ўлдириш у ёқда турсин, ҳатто унинг кўнглига озор бериш Қуръони каримда ман этилган. Фавқулоддаги портлашлар натижасида ўндан ортиқ кишининг ҳаётдан кўз юмиши, юзга яқин одамларнинг шифохоналарга тушиши, бутун халқимиз бошига тушган мусибат, мотам бўлдику ахир! Муқаддас ислом динидаги Имоми Аъзамнинг ханифия мазҳаби — энг одил, энг халқчил саналган. Инсоний ривожланиш ва адолат учун нимаики зарур бўлса ҳаммаси инобатга олинган. Бутун жаҳон тан олган, ҳадисшунос Имом ал-Бухорий, буюк мутафаккирлар — ҳам Ислом оламига, ҳам дунёвий фанлар тараққиётига катта ҳисса қўшган Аҳмад ал-Фарғоний, аз-Замахшарий, ал-Фаробий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, ат-Термизийлар, ал-Хоразмийлар ана шу мазҳаб йўлидан бордилар. Тўла ишонч билан Худонинг суюкли бандаси, одил ва халқпарвар Ислом Каримовни ана шу буюклар руҳи қўллади, қувватлади, Ватанимизни бало-қазолардан асради, деб тўлиқ ишонч билан айтаман.

Буни қарангки, воқеа содир бўлган куниёқ ватангадолардан бири «Би-би-си»га интервью бериб, куракда турмайдиган гапларни айтди. Иқтидорли сиёсатшунос олим Нарзулла Жўраев «Огоҳликка даъват» мақоласида куйиниб бундай деб ёзади: «Бедодлик, туҳматчилик ва иғвогарлик шу даражада бўладими? Инсон фарзанди, одам зурриёди айтадиган гапми шу? Бегуноҳ, ўз ўй-хаёли билан юрган кишилар ўлиб ётса, мамлакат кўрки бўлган бинолар харобага айланса-ю, у кимнингдир ўйини бўлса?! Одамда инсоф, диёнат бўлиши керак!»

Хориждан туриб бутун жамоатчиликни чалғитишдан яна бир қора мақсад бор. Гўё турли йўллар ўйлаб топилса, ўтказиладиган сайловларда Ислом Каримовга халқ ишончи ошиши мумкин эмиш! Ҳайф бундай фикрловчи худбин одамга! 1991 йилда муҳтарам Президентимиз муқобиллик асосида ўтказилган сайловда 90 фоиз овоз олганлигини сиз яхши биласиз! Орадан 8 йил ўтаяпти. Ўзбекистонда жиддий ўзгаришлар юз берди. Мамлакатимиз тараққиёти жаҳон мезонлари асосида мустақил — ўз модели билан олға қараб бормоқда. Бундай улкан ўзгаришларнинг барча соҳасида Ислом Каримов иштироки, таълимоти, йўл-йўриқлари бор. Халқимиз ўртасида, жаҳон жамоатчилиги орасида Президентимиз мард ва одил, қатъий сиёсатчи, йирик ислоҳотчи, маънавият ҳомийси сифатида тан олинди! Жаҳондаги машҳур сиёсатчиларнинг бири сифатида эътироф этилмоқда.

Хизмат сафари билан Қашқадарёда бўлганимда, меҳнат аҳли, раҳбарлар Президентни, унинг сиёсатини қўллаб-қувватлаётганлиги гувоҳи бўлдим. Февраль воқеаларига муносабат билдирган вилоят ҳокими Шуҳрат Раҳимович Бегматов, «Бундай номардлик, бундай юзтубанлик, бундай худбинлик ҳамон борлигидан афсусланиб, воҳа аҳли Президентни яхши билишини, у билан ҳамкор бўлганлигини қайд қилиб, қашқадарёликлар ҳеч қачон Йўлбошчини назар-эътибордан четда қолдирмайдилар, Президент атрофига янада жипслашиб, бунёдкорлик фаолиятини келажаги буюк Ўзбекистонга сарфлайдилар», деди.

Ҳокимнинг тўла ишонч билан айтган дил сўзлари мамлакатда тинчлик ва осойишталик бўлишининг, бунда эса Қашқа воҳаси аҳли ҳамиша ҳамкор ва ҳамдам эканлиги ифодаси эди.

Олти нафар, ҳатто айтишга тилинг бормайди, кўпорувчининг биттаси қўлга олинди. Қолганлари ҳам эл назаридан, унинг қарғишидан қочиб қутулолмайди!

Мени икки масала ўйлантирди. Биринчиси, бу — ота-она қарғишига учраган, бойлик дея одамгарчилигини йўқотганларнинг «акалари» хориждами ёки юртимизда пана-пастқамда писиниб, сичқоннинг ини минг танга бўлиб юрибдими? Албатта, «улар» ҳам топилади, халқ олдида, адолат олдида жавоб берадилар. Доимо адолат тантана қилади.

Иккинчидан, ҳар гал телеэкранда уларга кўзим тушар экан, кўргани кўзим бўлмай, ўзимни қаёққа қўйишимни билмай қоламан?. Улар туққан онасини, вояга етказган оиласини лаънатга қолдиришди.

Президентимиз юксак ишонч билан, «Мамлакатнинг болалари — менинг болаларим» деди. Юртбошимиз аҳолисининг ярмидан кўпи ёшлар бўлган давлатимиз болаларини ўз фарзандларидек таълим-тарбияда баркамол бўлиб етишишларида оталик ғамхўрлигини қилмоқдалар ва уларга ишониб, буюк келажакни бунёд этаяптилар.

Кўрнамак бўлганларчи? «Улар»нинг ҳимоячиларичи? Буни тарих жараёни аниқлайди, жой-жойига қўяди. Қинғир иш қирқ йилда ҳам аниқланиб, ҳаёт ҳақиқати қарор топади, оқни-оқ, қорани қорага ажратади.

Илоё шундай бўлсин! Халқ Президентга ишонади, у билан Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаб, XXI асрни яхши ният, орзу-умидлар билан қарши олажак! Буни Аллоҳ ҳам кўриб турибди.

Карим НОРМАТОВ.

## МУКОФОТГА — БУЗОҚЧА

**Хоразм вилояти Боғот тумани «Туркистон» жамоа хўжалигининг ваколатли вакиллари мажлисида мукофотлашнинг бағоят ибратли бир турини таъсис этдилар. Чорвачилик фермаси зоотехниги Йўлдош Ҳайитбоевни... наслли бузоқча билан тақдирлашди.**

**Жамоа аъзолари мукофотлашнинг бу турини ҳеч қандай таажжубли эмас, деб баҳоладилар. Зеро, ўтган йили Йўлдош Ҳайитбоевнинг саъй-ҳаракати билан маҳаллий жамоат подасидаги ҳар 100 бош сигирдан 70 тадан соғлом, дуркун бузоқлар олинди. Бу — тумандагина эмас, вилоятда ҳам наслчилик ишлари ривожида энг юксак кўрсаткичдир.**

## ОҚСАШ ҚАЧОНГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ

Аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир. Бу масалани шу кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этиш экологик ноxуш минтақада жойлашган Мўйноқ тумани учун ғоят муҳимдир.

Гап шундаки, туманда чорвачиликнинг барча тармоқларида оқсашга йўл қўйилмоқда. Гўшт ва сут етиштириш камаймоқда. Бунга етарли озуқа базаси яратилмаганлиги жиддий сабаб бўлаётир. Хўжаликларда йил ўн икки ой асосий куч-ғайрат табиий пичан жамғаришга қаратилгани ҳолда беда, озуқабоп маккажўхори, лавлаги етиштиришга, кунжара ва шулха тайёрлашга етарли эътибор берилмаётир.

Туман мутасаддилари шу ҳақда жиддий ўйлаб, зарур чора-тадбирларни кўрсалар чакки бўлмасди.

(ЎзА).

## АКСАРИЯТИ ЎСТИРИШГА ҚОЛДИРИЛАДИ

**Пахтачи туманидаги «Қарнаб ота» жамоа хўжалиги қоракўлчиликка ихтисослашган. Хўжалик ҳудуди 82.551 гектар бўлиб, унинг 79 минг гектари яйловлардан иборатлиги ҳам бу ерда қоракўлчиликни ривожлантиришга катта имкониятлар мавжудлигидан далолат беради.**

**Хўжалик чўпонлари масъулиятли палла — қўзилатиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрдилар. Бу вақтда зарур бўладиган барча воситалар, асбоб-анжомлар тахт қилиб қўйилди. Мавсумни муваффақиятли ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилди.**

**Айни пайтда яйловларда 23.125 бош қўй-қўзи боқилмоқда. Ўтган йили ҳар юз бош совлиқдан 110 бошдан қўзи олинганди. 4714 дона қоракўл тери, 34,5 тонна жун, 283 тонна гўшт етиштирилди. Жорий йилда ҳам хўжалик чўпонлари сифатли маҳсулот етиштириш, йилни даромад билан якунлашни мақсад қилиб қўйганлар. Қўзилатиш мавсумида хўжалик чўпонлари ҳар юз бош совлиқдан 112 бошдан қўзи олишни режалаштириб, тўртдан уч қисмини ўстиришга қолдиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган.**

Ҳ. КАРИМОВ.
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.





## РАҒБАТ КУЧАЙТИРИЛГАН ЖОЙДА

Оқйўл ака Каримов деҳқончилик илмини пухта эгаллаган инсонлардан. Эсини танибдики, далада меҳнат қилади. Жамоа хўжалигида энг тажрибакор, ернинг тилини биладиган пахтакорлардан.

У ўтган йили жамоа хўжалигидан ер олиб, пудрат аоссида 14 гектар ерда оила аъзолари билан пахта етиштирди. Июль ойининг қуёшли кунларида Оқйўл ака билан унинг даласида учрашган эдик. Ўшандаёқ мўл ҳосилга замин яратилгани кўриниб турар эди. Кейин унинг экинзоридаги ғўзаларни бошқа далалардагига солиштириб кўрдим. Унинг ғўзаси анча баравж, кўрса кўргудек эди. Кузда астойдил меҳнатнинг натижаси кўринди. Жамоа хўжалигида биринчилардан бўлиб режани бажарди. Оилавий пахтакорлар даладан 44,5 тонна пахта йиғиб олишди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 38 центнерданга етди.

— Ўтган йили умумий майдоннинг ярмини оилавий ижарачиларга бериб тўғри иш қилган эканмиз, — дейди Бўз туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, иқтисод фанлари номзоди Турсуной Исоқова. — Деҳқончиликда ишни шу асосда ташкил этсак ютқазмас эканмиз. Одамларда ерга муносабат ўзгарди. Ер меники деган фикр пайдо бўлди. Бу йил бутун жамоа хўжалиги оила пудратига ўтишини режалаштириб қўйдик.

Яқинда Оқйўл акани жамоа хўжалиги ҳисобхонасида учратдим.

— Янги йил учун шартнома тузаяпмиз, — деди у. — Бу йил ҳам натижа яхши бўлади, деган ниятдамиз. Ўтган йили 1 миллион 150 минг сўм даромад кўрдик. Шу даромаднинг ярми харажатга чиқиб кетганда ҳам 500 минг сўмдан кўпроқ фойда қолади.

Бундай даромад олган оилавий деҳқонлар қаторига Алижон Ниёзматов, Мирғолиб Саидакбаровларни ҳам қўшиш мумкин. Алижон Солиев бригадаси тўла оила пудрати асосида меҳнат қилди. 50 гектар экин майдони оилаларнинг кучи ва имкониятига қараб бўлиб берилганди. Бригада заршунослари ҳар гектар ердан режадаги 28 центнер ўрнига 32 центнердан дур олишга эришдилар.

«Ўзбекистон» жамоа хўжалиги азаматлари эришган натижалар оила пудрати самарадорлигини кўрсатди. Бу ердаги тажриба Бўз туманидаги бошқа хўжаликлар деҳқонларини ҳам қизиқтириб қўйди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

**СУРАТЛАРДА: 1. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Алижон Солиев оилавий пудратчилар Боқижон Бекмирзаев ва Фозилжон Иминов билан ўзаро мулоқотда. 2. Бўз пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раҳбари Иномжон Латипов товаршунос Комилжон Ҳамроқулов билан тола сифати хусусида суҳбатлашмоқда.**

Ҳ. АРАББОЕВ
олган суратлар.

# ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТГА ПАЙВАСТА

Аслида инсоннинг табиати қизиқ, ишга берилиб кетганидан ортиқча нарсаларни кўпам хаёлига келтиравермайди. Шаҳрисабз туманидаги Парда Шербобоев номли жамоа хўжалиги фаолияти билан танишганимизда шундай фикрлар кўнгилдан ўтди. Экин майдони унчалик катта бўлмаса-да, бироқ қишлоқ хўжалигининг кўпгина тармоғи мавжуд. Одамлари ишбилармон, деҳқончилик ҳадисини олишган. Йил ўн икки ой бу ерда етиштирилаётган неъматларнинг кети узилмайди. Раиси ҳам миришкорига мос. Чапани, айтганини амалга оширадиган, бир сўзли, хўжалик ишларини миридан-сиригача яхши билади. Жамоада ишбилармонлик ва тадбиркорлик қарор топганлиги туфайли ўтган хўжалик йилида ғалладан давлатга 1410 тонна сара дон сотилиб, ҳосилдорлик ўртача 39,5 центнерга етди.

Яна бир жиҳати бор — хўжаликнинг экин майдони бироз чегараланганлигига қарамай, туман ва вилоятдаги кўплаб хўжаликлар Парда Шербобоев номли жамоадан умидвор. Бир неча йиллардан буён бу ерда пахтачиликда уруғлик навлар етиштирилади. Унинг сифатлилиги, воҳа табиатига, ернинг бонитетига мос келиши соҳадан мўл-кўл хом ашё тайёрлашга имкон бермоқда.

Жамоа бизнес-режасига кўра агросаноат мажмуидан йил якунида 56 миллион сўмдан зиёд даромад қилиш ва рентабеллик даражасини 15 фоизга етказиш кўзда тутилганди. Сарҳисобда кутилгандан-да, юқори натижага эришилди. Хўжалик иқтисодий жиҳатдан янада бақувватлашди, ишчиларнинг қўшимча даромад олишига, қишлоқларни ободонлаштиришга шароит яратилди.

Баъзан туман агросаноат мажмуи мутасаддилари ўртасида хўжалик хусусида гап борганида у ёки бу маънода фикрларнинг туғилиши табиий. Бироқ шундай бир мулоҳаза бор: ҳозирги шароитда кўплаб хўжаликлар ўзини ўзи зўрға қоплаётган бир пайтда, мазкур жамоа тўрт йилдан буён режаларни уддалаб, ўз-ўзини моддий таъминлашга ўтганлигининг сири нимада?

Биринчи галда хўжаликда иқтисодий ислоҳотлар қўяётган талаблар асосида одамларни саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига банд этишга эътибор кучайтирилди. Яъни қисқа даврда шу ернинг ўзида етиштирилаётган айрим маҳсулотларни қайта ишлаш цехлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, кичик корхоналар барпо этилди. Деҳқончилик ишлари қаторида санъатнинг сирли олами — кулолчилик, чинни буюмлар ишлаб чиқаришга ҳам киришилди. Бу ва шунга ўхшаш тадбиркорлик юмушларининг такомиллашганлиги, биринчидан дала меҳнатидан бўшаётган ишчиларни доимий иш билан таъминлашга ва иккинчидан, хўжалик иқтисодини ўнглаб олишга асос бўлди.

Айни пайтда жамоада 575 нафар оилавий пудратчи фаолият кўрсатаяпти. Улар билан маҳсулот етиштириш бўйича бир йилдан беш йилгача истиқболли шартномалар тузилган. Ерлар ҳақиқий ишбилармонлар қўлига топширилганлигидан бўлса керак, кейинги тўрт йилда бирорта шартнома бузилмаган ёки ижарачилардан бирортаси режа ва топшириқларни уддаламай қолмаган.

Халқимизда алмашлаб экиш мўл

### Ҳаракат қилган баракотини ҳам кўради

маҳсулот гарови, деган гап бор. Жамоа хўжалигида бу масалага алоҳида эътибор билан қарашади. Хўжаликнинг иқтисодий бақувватлашаётганлигининг яна бир сабаби бор. Яъни қўшимча даромад манбаини яратиш-такрорий экин олиш. Ваҳоланки, тумандаги барча хўжаликларда ҳам моддий манфаатдорликнинг ана шу усулидан оқилона фойдаланилаяпти, деб бўлмайди.

Мавзудан чиқмаган ҳолда бир мулоҳазани айтиб ўтсак. Айримлар қишлоқда истиқомат қилиб, ер майдонига эга бўлса-да, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозорлардан харид қилиши сир эмас. Парда Шербобоев номли жамоа хўжалигида эса унинг акси. Ҳар бир хонадон ўзидан ортганини бозорга чиқариб сотади, етиштирган маҳсулотини элга улашади.

Ўтган хўжалик йили жамоага анчагина имкониятлар берганлигини мутахассислар қайд этишмоқда. Чунончи, пахта ўттиз саккиз ўрнига, саксон фоизга уруғликка сотилди, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳам сифат ва миқдор жиҳатдан кам бўлмади. Ана шулар ҳисобига 19 миллион сўм соф даромад қўлга киритилди.

Хўш, миллион-миллион сўм даромад, сарф-харажатларининг натижаси қандай деган савол туғилиши мумкин. Шубҳасиз, бозорга кирган киши, ҳамёнига қараб иш кўради. Хўжаликнинг бу соҳада истиқболли бизнес-режаси бор. Масалан, йиллик даромад ҳисобидан қишлоқларни ободонлаштириш, аҳолини газ, ичимлик сув билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилган. Айни пайтда мавжуд қишлоқларнинг аҳолиси юз фоиз зангори олов ва ичимлик сувидан баҳраманд бўлаяпти. Шунингдек, 320 ўринли янги мактаб биноси қурилиши жадаллашаяпти. Шуниниг билан бирга жамоада иш ҳақи тўғрисида муаммо йўқ. Қўшимча даромаддан ташқари ойма-ой маошлар бериб борилаяпти.

Дарвоқе, иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан бири — чорвачиликка кейинги пайтда кўп жойларда эътибор сусайди. Айрим хўжалик раҳбарлари эса соҳани ўзини ўзи қоплай олмайдиганга йўйишмоқда. Лекин бу соҳа билганга сердаромад манба эканлигини Парда Шербобоев номли жамоа хўжалигида бўлганлар ишонч ҳосил қилишига шубҳа йўқ. Айни пайтда 700 бош чорва парваришланаяпти. Ҳар куни 1000-1100 килограмм серқаймоқ сут соғиб олиниб, давлатга сотилмоқда. Гўшт ва сут сотиш режалари уддаланганлиги боис, тармоқни янада кенгайтириш имкони яратилди.

— Вазирлар Маҳкамасида бўлган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов «Одамларни саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб этиб, фермерларга жой бўшатиб беришнинг вақти етди», деб таъкидлаганликлари янги-янги иш режаларини тузиб олишга, қишлоққа саноатни кўпроқ олиб киришимизга шароит яратди, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Ғофир Азимов. — Етиштирилаётган маҳсулотлар кўламидан келиб чиқиб, бир талай ишларни бошлаб юбордик. Чунончи, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, боғлардан олинаётган маҳсулотларни шу ернинг ўзида қадоқлаш, шакар ишлаб чиқариш цехи қурилишини тезлаштириш, мевани қуритиш цехлари шулар жумласидан. Ваҳоланки, мана шу юмушларни жадаллаштириш учун имкониятларимиз етарли. Ҳозирдан маҳсулот айирбошлашда жойларда ҳамкорларимиз бор, улар билан шартномалар тузилган. Энг муҳими, одамларимизда иштиёқ бор, янги барпо этилаётган цехларни бошқариш учун мутахассислар масаласи ҳам ҳал этилган. Улар хўжалигимизнинг ёшларидир.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Шу куннинг қайноқ нафаси

## ПЛЁНКА УСУЛИДА

**Пойтахт вилоятининг Бўка туманидаги «Кўкорол» жамоа хўжалиги деҳқонлари кўкламда 1000 гектар майдонда чигит қадашни режалаштиришган. Унинг 170 гектарига андижонликлар усули асосида чигитни плёнка остига экишга пухта тараддуд кўрилаяпти.**

**8 Март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида барча боғроғларга шакл бериш ишлари ниҳоясига етказилди. Мавжуд ғаллазорлар ҳам икки бор озиқлантирилиб, суғорилаяпти.**

* * *

**Чигитни плёнка остига экиш усули сирдарёлик мирешкорларга ҳам яхши самара берди. Ўтган хўжалик йилида ана шу усулда экилган майдонларда ҳосилдорлик ўртача 5—7 центнергача ортди.**

**Боёвут туманидаги «3-Боёвут» ширкатлар уюшмасида бўлиб ўтган семинар-кенгашнинг асосий мавзуси чигитни плёнка остига экишга қаратилди. Унда вилоятдаги барча хўжаликлар раҳбарлари, мутахассислар иштирок этиб, экиш мавсуми олдидан фикрлашиб олдилар.**

## ТУТЗОРЛАР КЕНГАЯДИ

**Пиллачилик — хоразм мирешкорларининг сердаромад манбаларидан бири ҳисобланади. Ўтган йили вилоятнинг 99 та хўжалигида ипак қурти парваришланиб, кўзланган натижага эришилганди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жойларда эътиборсизлик туфайли бир миллион донадан ортиқ тут ва тут кўчатлари айрим нопок кимсалар томонидан кесиб ташланган.**

**Баҳорнинг мўътадил келганлиги тут кўчатлари ва плантацияларни кўпайтиришга имкон берди. Ҳозирги кунда ҳар бир хўжаликда бу юмушлар бошлаб юборилган. уларга шарт-шароитлар яратилиб, тушликда иссиқ овқат ташкил этилган.**

## ҲАР ҚАНЧА АРДОҚҚА ЛОЙИҚ

**Иқтисодиётни мустаҳкамлаш ва меҳнат жамоаларида иш режаларининг уддаланишида хотин-қизларнинг ҳиссаси катта. Уларнинг ҳар бири қўшаётган ҳиссаси келажакка қўйилаётган тамал тоши билан баробар.**

**Жиззах вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш мавзуси 8 Март — Халқаро хотин-қизлар байрамини кўнгилдагидек нишонлашга бағишланди. Илғор пахтакор, соҳибкор, пиллакор ва ғаллакор хотин-қизлар пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар. Шу куни фаоллардан иборат махсус гуруҳ кам таъминланган оилалар ва меҳнат фахрийларининг уйларида бўлиб, уларга ҳокимликнинг совға-саломларини топширадилар.**

## ЯЙЛОВ ТЎЛАР ҚЎЙ-ҚЎЗИГА

**Қўриқ Усмон Юсупов туманидаги Ғафур Ғулом номли жамоа хўжалиги қоракўлчиликка ихтисослашган. Шу кунларда чўпон-чўлиқлар учун масъулиятли палла — қўзилатиш мавсуми бошланган. Отарларда мавсумнинг беталофат ўтиши учун барча чора-тадбирлар кўрилаяпти. Ем-хашак ҳам етказиб турилибди.**

**Чорвадорларнинг ниятлари улуғ. Улар ҳар 100 бош совлиқдан 105 тадан соғлом қўзи олишни ва тўқсон фоизини ўстиришга қолдиришни режалаштиришган.**

Б. ХОЛМУРОДОВ.

